

## Ҳисоботли тақдимот

2019 - йил 5 - январь куни институтнинг 6 - маърузалар залида «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш» факультетида илмий - тадқиқот фаолиятини ташкиллаштириш, илмий - педагогик кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талаба - ёшлар билан ишлаш, илмий - тадқиқот натижаларини ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш борасида 2018 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотда факультет декани У.Қўзиёв томонидан йўналиш бўйича тўлиқ маълумотлар тақдим қилинди. Қизиқарли мулоҳазаларга бой тарзда ўтказилган тақдимот кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Йиғилишида факультет профессор-ўқитувчилари ҳамда ходимлари иштирок этишди. Профессор Б.Худоёров, кафедра мудирлари А.Игамбердиев, Х.Туркменовлар сўзга чиқиб, тақдимот юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.



**ҚХМ факультети декан ўринбосари Икром Раҳимов ахбороти**

**Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**